



MUHAMMAD YAQUBBEK AND HIS FATE IN CONNECTION WITH THE BUKHARA EMIRATE

Jalol Abdukhamidov

PhD Candidate at the Department of World History

Samarkand State University

Jalolidinabduxamidov@gmail.com

Samarkand, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Muhammad Yakubbek, Bukhara Emirate, Kokan Khanate, Ettishahar State, Amir Muzaffar, Khudoyar Khan, history, analysis, conclusion.

Received: 19.10.25

Accepted: 20.10.25

Published: 21.10.25

Abstract: This article describes four fates of Muhammad Yakubbek (1820-1877), the founder of the Seven Cities State (1865-1878), statesman and military leader, related to the Bukhara Emirate (1753-1920). Yakubbek visited Bukhara four times due to the rule of the Mangids, the dynasty of the Thousand in Kokand, and political and social processes in East Turkestan. It is analyzed that this city was of great importance in the growth of his political position and the continuation of his life. Even during his reign in the Seven Cities State, he closely monitored the political and economic situation in the Bukhara Emirate. Muhammad Yakubbek's events related to Bukhara are analyzed based on information from sources and historical literature.

МУҲАММАД ЁҚУББЕК ВА УНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАҚДИРИ

Жалол Абдуҳамидов

Самарқанд давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси таянч докторанти

Jalolidinabduxamidov@gmail.com

Самарқанд, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Муҳаммад Ёқуббек, Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, Еттишаҳар давлати, амир Музаффар, Худоёрхон, тарих, таҳлил, ҳулоса.

Аннотация: Ушбу мақолада, Еттишаҳар давлати (1865-1878) асосчиси, давлат арбоби ва ҳарбий саркарда Муҳаммад Ёқуббек(1820-1877)нинг Бухоро

амирлиги (1753-1920) билан боғлиқ тўртта тақдири баён қилинган. Манғитлар ҳукмронлиги остидаги амирлик, Қўқондаги минглар сулоласи ҳамда Шарқий Туркистонда сиёсий-ижтимоий жараёнлар сабаб Ёқуббек Бухоро тўрт марта қайта-қайта борган. Унинг сиёсий мавқеининг ошиб боришида, ҳаётини давом эттиришида бу шаҳар муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги таҳлил қилинган. Ҳатто, Ёттишаҳар давлатида ҳукм сурган вақтида ҳам Бухоро амирлигидаги сиёсий-иқтисодий вазиятни кўздан қочирмай кузатиб турган. Муҳаммад Ёқуббекнинг Бухоро билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар манба ва тарихий адабиётлардаги маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

МУХАММАД ЯКУББЕК И ЕГО СУДЬБА В СВЯЗИ С БУХАРСКИМ ЭМИРАТОМ

Жалол Абдухамидов

Самаркандский государственный университет

Докторант кафедры всеобщей истории

Jalolidinabduxamidov@gmail.com

Самарканд, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Мухаммад Якуббек, Бухарский эмират, Коканское ханство, государство Ёттишаҳар, Амир Музаффар, Худояр-хан, история, анализ, вывод.

Аннотация: В статье описываются четыре судьбы Мухаммада Якуббека (1820–1877), основателя Семигородского государства (1865–1878), государственного и военного деятеля, связанного с Бухарским эмиратом (1753–1920). Якуббек четыре раза посещал Бухару в связи с правлением Мангидов, династии Тысячников в Коканде, а также политическими и социальными процессами в Восточном Туркестане. Анализируется, что этот город имел большое значение для роста его политического положения и продолжения его жизни. Даже во время своего правления в Семигородском государстве он внимательно следил за политической и экономической ситуацией в Бухарском эмирате. События Мухаммада Якуббека, связанные с Бухарой, анализируются на основе сведений из источников и исторической литературы.

Кириш. Бухоро азалдан илм-фан алломалари, диний уламолари, буюк мутафаккирларнинг маданий маскани бўлиб келган. Бу инсонлар асосан илм олиш учун Бухорога интилишган. Бироқ, бу шаҳарга ўз жонини сақлаш, ҳаётини бошқатдан бошлаш ёки ҳаётини давом эттириш учун ҳам боришган. Айниқса, қўшни давлатлардаги сиёсий жараёнлар, бошбошдоқлик, вайранкорлик каби воқеа-ҳодисалар оқибатида ҳам шахзодалар, давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳам Бухорога қочиб келишга мажбур бўлишган. Шундай инсонлардан бири, Шарқий Туркистондаги Еттишаҳар давлати (1865-1878) асосчиси, қўқонлик саркарда Муҳаммад Ёқуббек (1820-1877) Бухоро амирлиги (1753-1920) билан тўрт марта ўз тақдирини боғлашга мажбур бўлган.

Адабиётлар таҳлили ва метадологияси. Муҳаммад Ёқуббекнинг ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ қилган М. Гаврилов [2], Д. Тихонов [8], Чэн Суло [11], Б. Шахидий [12], Д. Исиёев [3], А. Ходжаев [10], Ким Ходонг [4] каби олимларнинг ишлари муҳим ва диққатга сазовордир. Улар Россия, Хитой, Қозоғистон, Туркия, Ҳиндистон ва Европа давлатлари архивлари ҳамда кутубхоналарида сақланаётган ҳужжат ва қўлёзмалар асосида кўплаб тадқиқотлар олиб борганлар. Бироқ, уларда Муҳаммад Ёқуббекнинг Бухоро амирлиги билан боғланган маълумотларнинг камлиги ва бу масала комплекс ўрганилмаган.

Ушбу масалани тадқиқ қилишда Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ҳамда Шарқий Туркистон тарихи билан боғлиқ манбалар, рус архиви, турли хорижлик сайёғлар сафарномалари, архив ҳужжатлари асосида қиёсий, хронологик методлар асосида амалга оширилди.

Натижа ва муҳокамалар. Таҳлил ва натижалар қуйидагилардан иборат:

Биринчи тақдири, Бухоро амири Насруллоҳ давридага юз берган сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлган. Муҳаммад Ёқуббек ўн беш ёшида Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1842) нинг ҳарбий қўмондонларидан бири Гадоё Муҳаммад хизматига кирган[7]. Уни Керовчи беги Эрназар бекларбеги Абдуҳолиқ Гадоё Муҳаммадга тавсия қилган эди. Асли пскентлик бўлган Гадоё Муҳаммад хонлиқнинг юқори мартабали амалдорлардан бўлган Довул парвоначининг ўғли бўлган. Манбаларда, у «Гадоёбой», «Гадоёмуҳаммад» исмлари билан келган бўлиб, Тошкент бекларбеги Лашкар кушбеги, Муҳаммад Шариф оталиқ каби саркардаларнинг яқин сафдоши ва дўсти бўлган. Гадоё Муҳаммад саркор, додхоҳ, парвоначи каби унвонлар билан 1839-1840 йилларда Пешағор, Ўратепа, Навкент ҳокими лавозимларида фаолият олиб борган. Гадоё Муҳаммад ва унинг хизматидаги Муҳаммад Ёқуббек 1841-1842 йилларда Бухоро амири Насрулло (1826-1860) нинг Қўқонга юриши вақтида Муҳаммад Алихон қўшинида туриб жанг қилган. Ушбу жанглардан бирида Гадоё Муҳаммад амир Насруллога асир тушиб, унинг хизматига киришга мажбур бўлган.

Муҳаммад Ёқуббек эса Кировчига қайтиб кетган. Бухоро амири томонидан Гадои Муҳаммад Бўка ҳоким қилиб тайинланган.

1842 йилда Қўқон тахтига Шералихон (1842-1845) ўтиргандан сўнг Тошкент воҳасини қайтариб олиш учун қўшин билан Бўкага келган. Бўка ҳокими Гадои Муҳаммад ва бухоролик саркарда Абдурахмон метин билан биргаликда хонга қарши жанг қилганлар. Жангда Гадои Муҳаммад уч еридан яраланиб, Тошкентга қочиб борган. Тарихчи Эшон Қори Қундузий бу жанг санасини 1258/1842 йилда бўлганлигини ёзган [1]. Бўка ва Тошкент Шералихон қўшинлари томонидан босиб олинган, Тошкент ҳокимлигини ўз саркардалардан Муҳаммад Карим қашқага топширган. Муҳаммад Ёқуббек Муҳаммад Карим қашқанинг Хўжандда ҳоким бўлган вақтида унинг хизматига аскар бўлиб кирган эди. Кейинчалик Шералихоннинг ўғли Саримсоқ Тошкент ҳокими (1843-1844) этиб тайинланган, Муҳаммад Карим қашқани Хўжандга ҳоким қилиб юборилган. Муҳаммад Ёқуббек Муҳаммад Карим қашқанинг унинг хизматига аскар бўлиб кирган эди. Бироқ, Мусулмонқули томонидан Муҳаммад Карим қашқа Қўқонга чақиртирилиб, у ерда ўлдирилган, унинг аскарлари ҳар томонга тарқаб кетган эди. Айримлари Тошкентнинг бекларбеги Азизбек ҳузурига боришган. Бироқ, Кировчи ҳокими бўлган Нормухаммад қушбеги унинг иккинчи синглисига уйланган, Ёқуббек унинг ҳузурига кетишга мажбур бўлган.

Муҳаммад Ёқуббекнинг Бухоро билан боғлиқ иккинчи тақдири 1854-1857 йилларга тўғри келган. Бу вақтда Хўжанд беги бўлган Муҳаммад Ёқуббек 32 ёшда эди. Поччаси Нормухаммад қушбегининг Қўқонга чақиртирилиб ўлдирилиши уни даҳшатга солади. Шу боис, у Ўратепа ҳокими Рустамбек билан тил бириктириб Бухоро амир Насруллоҳон ҳузурига келади. Худоёрхоннинг хон сифатида олиб бораётган ишлари устидан арз қилади. Худоёрхонни тахтдан ағдариш ишларини олиб боришади ухорода юқори мансабдорлар билан биргаликда улфатчилик қилади. Хатирчи беги Шадоибойга ҳам бу масалада маслаҳат солади. Худоёрхон бу фитнадан хабар топган, Муҳаммад Ёқуббекни Қўқонга чақиртиради. У Қўқонга бормаган, Худоёрхон ўз аскарлари тезда тутиб, Қўқонга келтирилишини буюрган. Аммо қўлга олинган Муҳаммад Ёқуббек кечаси арқонни тиши билан узиб, Сирдарёдан кечиб ўтиб, Жиззах орқали амирлик ерларига кириб боради. Бухорога келган, у уч йил шу шаҳарда яшайди. Ўзининг эски улфатлари билан яна топишади. Кейинчалик уни Худоёрхоннинг яқин одами бўлган Мирза Аҳмад қушбеги томонидан Тошкентга чақиртирилган. Мирза Аҳмад қушбегига воситачилигида Худоёрхон Муҳаммад Ёқуббекни узрини қабул қилган ва уни пансодбоши қилиб тайинлаган.

Муҳаммад Ёқуббекнинг Бухоро амирлиги билан учинчи тақдири 1862-1863 йилларга тўғри келади. 1858 йилда Қўқон тахтига Худоёрхоннинг акаси Маллахон (1858-1862)

ўтиради. Муҳаммад Ёқуббекнига сидқикдилда ҳизмат қилади. Бироқ, Маллахон 1862 йилда фитначилар томонидан ўлдирилади. Унинг ўрнига а Худоевхоннинг акаси Саримсоқнинг ўғли Шохмуродни тахтга ўтиради. Бу вақтда Муҳаммад Ёқуббек Туркистонда ҳоким бўлиб, Тошкент ҳокими Қаноатшоҳ ҳизматида эди. Бу хабарни эшитган Қаноатшоҳ Бухоро амири Музаффархонга элчи жўнатиб, Худоевхонни Тошкентга олдириб келиб, хон қилиб кўтарган. Шунда Шохмуродхон ва унинг амалдорлари билан Тошкент томон қўшин тортганлар. Қаноатшоҳ ҳарбий маҳоратга эга бўлган, саркарда Муҳаммад Ёқуббекка ишонч билдириб, Туркистондан олдириб келиб Қурама вилоятига ҳоким қилган. Қурама вилояти маркази Кировчи қалъаси бўлиб, Қўқондан бўладиган биринчи хужум шу қалъа орқали бўлганлиги боис, Қаноатшоҳ Муҳаммад Ёқуббекни шу қалъага ҳоким қилиб қўйган эди. Бироқ, кўп сонли қўшинга эга бўлган Шохмуродхон Хўжанд ва Нов орқали Кировчига ҳам кириб келган. Муҳаммад Ёқуббек бу кўп сонли қўшинга қарши чиқишни эп билмай, таслим бўлган [6]. Шохмурод ва унинг яқинлари, Муҳаммад Ёқуббекнинг жасур саркардалигини билган. Шунинг учун уни 1862 йили Хўжанд ҳокими этиб тайинлаган. Худоевхон ва Қаноатшоҳ қўшинлари билан Шохмуродхон қўшини ўртасидаги ўзаро жангда енгади ғалаба қозонган. Бу қўшин 1862 йилда Қўқонга кириб келган. Бухоро амири Музаффархон ўз қўшини билан Хўжандга келган. Худоевхон унинг олдига Қаноатшоҳни элчи қилиб юборган. «Биз Қўқонни олдик» деб борган Қаноатшоҳни Бухоро амири ушлаб қатл этган. Буни Худоевхоннинг ўзи уюштирган бўлиши мумкин. Муҳаммад Ёқуббек Худоевхон билан келишаолмаслигини билгач, Хўжанддан Бухорога қочиб ўтган. Алиқули 1863 йилда Маллахоннинг ўғли Султон Сайиидни хон этиб Қўқон тахтига ўтказган. Ўзи эса, «Амирлашкар» унвони остида ҳаракат қилган. Муҳаммад Ёқуббекнинг ҳарбий саркардалигини яхши билган, илгари дўст бўлиб юрган, отаси Маллахонга ҳизмат қилган Муҳаммад Ёқуббекни Султон Сайиид Бухородан олдириб келган. Бунга Алиқули ҳам рози бўлган. Муҳаммад Юнус Тойиб ёзишча, Муҳаммад Ёқуббек Алиқулининг яқин кишисига айланган ва унга яхши ҳизмат қилганини бир неча бор ўз асарида таъкидлаб ўтган. Бир куни дейди у «Бадавлат бир қўлида кимхоб тўн билан олдимга кириб келиб, «сиз шиғовул деб устимга тўн кийдириб, тош уққан тилло асони қўлимга топширди» [6].

Муҳаммад Ёқуббекнинг Бухоро амирлигининг тўртинчи тақдири бевосита амир Музаффарнинг тўнгич ўғли Абдулмаликтўра билан боғлиқдир. 1865 йилда Қашқарга юборилган Муҳаммад Ёқуббек Еттишаҳар давлати (1867-1878) га асос солган. Қўқон тахтига келган Худоевхонга нисбатан Ёқуббек амир Музаффарга ўзини яқин олиб элчи ва совға-саломлар юборган. Амир Музаффар ҳам ўз навбатида Муҳаммад Ёқуббекка “оталик ғозий” унвонини берган. Бироқ, Амир Музаффарнинг Россия империяси билан шартнома имзолаши, ҳамкорлик фаолият олиб бориши Ёқуббек томонидан яхши қабул қилинмайди.

Амир Музаффарнинг бу ишига қарши чиққан ўғли Абдулмаликтўра қўзғолон кўтаради, қўзғолон бостирилгач, шахзода Муҳаммад Ёқуббек ҳузурига қочиб борган. Асли Қўқон хони мулозимидан чиққан Ёқуббек бадавлат, унга ҳурмат ва эътибор кўрсатиб, ўзига куёв қилади ҳамда 40000 кишилиқ қўшинни ҳам унинг ихтиёрига топширади [5]. 1873 йилгача тўра Янги Ҳисор қўргонида яшайди. Бухорони озод кўриш учун, тўра аввало шу даврдаги Россия империясининг кучли сиёсий рақиби Англия билан муносабатларга киришишни сиёсий вазиятининг ўзи талаб этар эди. Катта ва кучли империя, шарқ халқларига беписандликнинг ўзича “маданийроқ” услубини ўзлаштирган Британия империяси Ўрта Осиёда ўз сиёсий ва иқтисодий таъсирини ўрнатишдаги ғаразли ниятлари йўқ эмас эди. Катта тўра 1871 йилда Ёркендда Шарқий Туркистонга келган инглиз элчиси Дуглас Форсайт билан учрашади [9]. Кейинчалик у Еттишаҳар давлати бостирилгач, Афғонистонга қайтади.

Хулоса. Муҳаммад Ёқуббекнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ маълумотлар илк бора илмий муомалага киритилди ва комплекс таҳлил қилинди. Ушбу хулосалар маҳаллий манбалар асосида қиёсий тарзда ўрганилди. Айниқса, Ёқуббекнинг Бухоро амирлиги билан боғлиқ тўртта тақдири бевосита тартибга келтирилди. Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Еттишаҳар давлатида юз берган сиёсий воқеа-ҳодисаларда унинг иштироки бевосита ҳар бир давлатнинг сиёсий мавқеига таъсир этган. Шу боис, юқоридаги хулосаларда қуйидаги таклифларни келириб ўтамит:

1. Муҳаммад Ёқуббекнинг Бухоро амирлигида кечган ҳаёти ва фаолияти қушбеги архиви ва амирлик тарихи билан боғлиқ ҳолда чуқурак таҳлил қилиш лозим;
2. Олий таълим муассасаларининг Тарих факультети талабаларига “Муҳаммад Ёқуббекнинг Бухоро амирлигидаги фаолияти” номли махсус курс ташкил қилиш таклифини киритилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авазмуҳаммад Аттот Хўқандий. Тарихи жаҳоннамоий / Форс-тожик тилидан таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – Б. 220.
2. Гаврилов М.Ф. Страничка из истории Якуб-бека Бадавлата – правителя Кашгарии // В.В. Бартольд. Туркестанские друзья, ученики и почитатели. – Ташкент: Тиролит, 1927. – С. 125-132.
3. Исиев Д. Уйгурское государство Йетишар (1864 – 1877). – Москва: Наука, 1981.
4. Kim Ho-dong. Holy war in China. The Muslim Rebellion and State in Chinese Central Asia, 1864 – 1877. – Stanford, California. 2004.

5. Мирза Абдулазим Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа. – С. 106.
6. Муҳаммад Юнус Тойиб. «Тарихи Аликули амирлашкар»// «Шарқ юлдузи» журнали. 1996 й. № 1-2. – Б. 209.
7. Текст воспроизведен по изданию: Ресалэ-и-Якуби (Воспоминания о Якуббеке кашгарском Камиль-хана-ишана) // Историк-марксист, № 3 (79). 1940.
8. Тихонов Д. Некоторые вопросы внутренней политики Якуббека // Учёные записки Института востоковедения. Т. XVI. – М-Л., 1958. – С. 109-138.
9. Хидоятлов Г. А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии. – Ташкент., 1969. – С. 108.
10. Ходжаев А. О политике Якуббека в отношении цинского правительства в 1871- 1877 гг. // «Пятая научная конференция Общество и государство в Китае». В 3 – выпусках. Вып. 2. – Москва: Наука, 1974. – С. 246-253.
11. Чэн Суло. Агубо ды лиши пинцзя. 1865 – 1877 нянь Синьцзян вэйуэр юй гэцзу жэньминь гунди // Чжунго миньзу вэньти яньцзю цзикань. – Пекин, 1962 (хитой тилида).
12. Шахиди Б. Якуббек хакимияти тогрилик. – Пекин, 1958 (уйғур тилида).